**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ РАИСИ**

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ БАСЛЫҒЫ**

---

**Н.Ерлепесовга**
**А.Даннияровга**
**А.Отеулиевга**
**Е.Аташовга**
**Д.Кайповга**
**М.Ахмедовага**
**Р.Зарикеевга**
**Р.Нуразизовга**
**А.Исмаиловга**
**Б.Сапаровга**
**Р.Рисназаровга**
**А.Иматовга**
**ҚР худудий нуронийлар жамоатчилик кенгаши (Т.Абдижаппаров)га**
**Қамбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (С.Турманов)га**
**Ёшлар ишлари агентлиги ҚР бошқармаси (П.Махсетбаев)га**
**Спортни ривожлантириш вазирлигига**
**Маънавият ва маърифат маркази (Т.Атамуратов)га**
**ҚР Ёзувчилар уюшмаси (К.Каримов)га**
**Маданият вазирлиги (Қ.Турдиев)га**
**Туризм ва маданий мерос вазирлигига**
**ЎзР Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг ҚР худудий бошқармаси (Н.Каюпов)га**
**Олий таълим муассасалари ректорларига (рўйхат бўйича)**
**Халқ таълими вазирлиги (А.Наримбетов)га**
**Мактабгача таълим вазирлиги (Г.Бахиева)га**
**Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (А.Давлетов)га**
**Кадастр агентлигининг ҚР бошқармаси (И.Тлеуов)га**
**Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.Шамуратов)га**
**Молия вазирлиги (М.Содиков)га**
**ҚР Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши (У.Жалменов)га**
**Соғлиқни сақлаш вазирлиги (М.Курбанов)га**
**Адлия вазирлиги (С.Мамбеткадыров)га**
**Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҚР бошқармаси (А.Бекмуратов)га**
**"ҚҚ телерадиокомпанияси" (Қ.Бекбаўлиев)га**
**Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига**

Раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

ЎзР Президентининг 2023 йил 11 мартдаги ПҚ-92-сонли қарори, шу жумладан **3-иловаси** билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасида берилган топшириқларни **белгиланган муддатларда** ижросини таъминлашингизни сўрайман.

Бажарувчи: Б.Аймбетов
Х.Байжанов
Назорат: А.Жолдасов

**Ф.ЭРМАНОВ**

№ 3/196 **16.03.2023й.**

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI
DEN SAWLIQTI SAQLAW
MINISTRLIGI
KIRIS № 08/281
"23" 03 2023 j.

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH VAZIRI

**А.Ж. Раматовга, Ж.А. Ходжаевга,**
**Ж.А. Кўчқоровга, З.Б. Махкамовага**

**Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги** (Мусаевга), **Соғлиқни сақлаш вазирлиги** (Иноятовга), **Маданият ва туризм вазирлиги** (Назарбековга) **“Нуроний” жамғармаси** (Турдиевга) - **йиғин**

**вазирлик ва идоралар** *(рўйхат бўйича)*

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 мартдаги **“Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”** ПҚ–92-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

Қарорда белгиланган вазифаларнинг **ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли ижросини таъминлаш** бўйича тегишли чоралар кўрилсин.

Н.Дусматовга, М.Якубовга, Ш.Ражаббаевга

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ УМУМИЙ БЎЛИМ № 2

**А. Арипов**

2023 йил « 12 » март
№ 10/1-473 13.03.2023 й.

3/196 5
16 март 23

# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil « 11 » март № ПҚ–92

**Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кекса авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни соғломлаштириш ишларини самарали ташкил этиш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ижтимоий ҳаётдаги фаолликларини ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ўтган йилда **965 минг нафар** нуроний бепул тиббий кўрикдан ўтказилди, **23 минг нафар** нуроний дори-дармон ва озиқ-овқат билан таъминланди, **21 мингдан ортиқ** нуронийлар санаторийларда соғломлаштирилди, **19 минг нафари** реабилитация техник воситалари билан таъминланди, **118 минг нафар** нуронийларга бошқа турдаги моддий ёрдамлар кўрсатилди, **221 нафар** иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва якка ёлғиз кексаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди, **1 миллиондан ортиқ** нуронийлар учун мамлакатимиз бўйлаб саёҳатлар ташкил этилди.

Нуронийлар ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиб, ўтказилган маданий маърифий тадбирлар натижасида **155 мингга яқин** профилактик ҳисобда турган ёшларнинг соғлом турмуш тарзига қайтишига, **22 мингдан ортиқ** оилалар ажримининг олди олинишига ҳамда **3 мингдан ортиқ** нотинч оилаларнинг яраштирилишига эришилди.

Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётини юқори даражага кўтариш ва ижтимоий фаолликларини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармасининг (кейинги ўринларда – “Нуроний” жамғармаси) ташаббусига мувофиқ унинг **фаолиятини жадаллаштириш борасидаги устувор йўналишлари** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
KEL. 1-473 2023-yil 11 03

Ш. Кагирмадева